

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 16 октябрь, № 202 (4612)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 15 октябрь куни Оқсаройда Малайзия Қироллиги, Эрон Ислам Республикаси, Исроил Давлати ва Беларусь Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Абдул Азиз Бин Харун, Муҳаммад Кешоварзода, Хилель Ньоман ва Игорь Сокол ишонч ёрлиқларини топширди.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ Топширилди

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошланган миссияларида муваффақият тилади. Мамлакатларимизнинг кўплаб минтақавий ва халқаро муаммоларга қарашли ўқшаш ва яқин.

Иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик хусусида Президент Ислам Каримовнинг 2005 йилда Малайзияга давлат ташрифи чоғида ўндан зиёд ҳужжат имзоланганини таъкидлаш жоиз. Ахборот технологиялари, электротехника санъати, машиий электроника, мебелсозлик, тўқимачилик каби соҳаларда қўшма корхоналар тузишни назарда тутувчи ўшбу ҳужжатларнинг умумий молиявий қиймати 400 миллион АҚШ долларидан ошади.

Ўзбекистон ва Малайзия халқаро майдонда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Мамлакатларимизнинг кўплаб минтақавий ва халқаро муаммоларга қарашли ўқшаш ва яқин. Иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик хусусида Президент Ислам Каримовнинг 2005 йилда Малайзияга давлат ташрифи чоғида ўндан зиёд ҳужжат имзоланганини таъкидлаш жоиз. Ахборот технологиялари, электротехника санъати, машиий электроника, мебелсозлик, тўқимачилик каби соҳаларда қўшма корхоналар тузишни назарда тутувчи ўшбу ҳужжатларнинг умумий молиявий қиймати 400 миллион АҚШ долларидан ошади.

Абдул Азиз Бин Харун Ўзбекистон ва Малайзиянинг ўқшаш жиҳатлари кўп эканини, мамлакатларимиз Ислам конференцияси ташкилоти доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилишини таъкидлади. Икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, айниқса, иқтисодий шериклик алоқалари ва гуманитар ҳамкорлиқни кенгайтиришни ўз миссиясининг асосий мақсади деб белгиланганини қайд этди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Эрон ўртасида икки томонлама муносабатлар тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз минтақавий ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, терроризм ва наркотиқсизлик каби таҳдидларга қарши курашиш борасида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги муносабатларнинг муҳим бўғинларидан бири транспорт коммуникацияларидир. Икки мамлакат бир-бирининг ҳудуди орқали йилга умумий ҳисобда бир миллион тоннадан ортиқ юк ташийди.

Ўшбу соҳада кўп томонлама ҳамкорлик ҳам ривожланмоқда. Президент Ислам Каримовнинг 2003 йилда Техронга сафари асосида Ўзбекистон, Эрон ва Афғонистон ўртасида трансферон транспорт йўлагини курашиш назарда тутувчи Халқаро транспорт йўналишлари тўртинчи битим имзоланди. Термиздан бошланадиган бу йўл Мозори-Шариф ва Хирот шаҳарларидан ўтиб, Эронга туташади.

Муҳаммад Кешоварзода Ўзбекистонда фаолият кўрсатишни ўзи учун шараф деб билишини, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг истиқболли рақиб эканини таъкидлади. Исроил элчиси билан суҳбат чоғида мамлакатларимиз кўплаб соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани, айни пайтда ишга солинмаган талай имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

— Тошкентта 1999 йили келган эдим, — деди Хилель Ньоман. — Ўтган вақт мобайнида пойтахтингиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Айнан Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганимдан гоёт мамнунман. Ўз фаолиятим давомида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор беришни мақсад қилганман.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон — Исроил иқтисодий муносабатларида сармоявий ҳамкорлик муҳим ўрин тутаяди. Исроилнинг Ўзбекистон тоғ-кон саноати ва нефть-газ соҳасига қиритган сармояси 400 миллион АҚШ долларига яқиндир. Юртимизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга, озик-овқат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга иқтисослашган элликдан зиёд Ўзбекистон — Исроил қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва Беларусь икки томонлама муносабатларни ҳам, МДХ, ЕвРАЭС, ОДКБ доирасида кўп томонлама ҳамкорлиқни ҳам кенгайтирмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик фаоллашмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2008 йилнинг 8 ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 60 фоиз ортди. 2007 йили Тошкентда Беларусь Республикасининг иккинчи миллий кўргазмаси ташкил этилди. Унда Беларусьдаги қатор корхоналарнинг маҳсулотлари намойиш этилди, икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида ўзаро манфаатли мулоқотлар бўлиб ўтди.

— Ўзбекистон — Марказий Осиёда алоҳида ўрин тутувчи давлатдир, — деди Игорь Сокол. — Беларусьда энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, қайта ишлаш саноати каби соҳаларда Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш катта. Беларусь вакиллари Ўзбекистон пахта ярмаркасида мунтазам ва фаол қатнашиб келмоқдалар. Спорт, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари катта. Ўз фаолиятим давомида мазкур соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишни режалаштирганман.

Мустақиллик ато этган неъматлардан баҳраманд бўлар эканмиз, кўнглимиздан юртимизда истиқлол туфайли юз берган асрларга татигулик ўзгаришлар ҳақидаги ўйлар ўтади.

2008 ЙИЛ ЁШЛАРИ ИЛИ

Зотан, асрлар силсиласида қисқадек туолган бу даврда миллий-маънавий қадриятларимиз тикланди. Халқнинг, миллатнинг қадди ростланди, Ватанимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топди, тенглар ичра тенг бўлиб ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирмоқда. Бир вақтлар намозини ҳам бемалол ўқишга ҳайиққан юртимиз мусулмонлари эмин-эркин тоат-ибодат қилиш, ҳаж амалларини адо этиш имкониятига эга бўлдилар. Буюк бобокалонларимиз номларини энди баралла фахрланиб айтадиган, улар қолдирган маънавий меросдан ўзимиз ҳам баҳра оладиган, фарзандларимизни ҳам баҳраманд этадиган бўлди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиллар кўчаларимизни тўлдириб юрибди. Автомобиль заводи ва унга бўтловчи қисмлар етказиб берувчи ўнлаб корхоналарнинг аҳоли зич жойлашган Андижонда ишга туширилгани минглаб юрдошларимизни иш билан таъминлаш имконини берди.

Энг муҳими, юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сураётганлиги, барқарор тараққиёт йўлини танлаган Ватанимиз равақ топиб, халқро ҳамжамиятда нуфузи ортиб бораётганидан кўнглиларимиз тоғдек кўтарилди.

(Давоми 4-бетда).



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САЊЪАТИ ФОРУМИ ЖАМҒАРМАСИНИНГ НАРА ШАҲРИДА ТАҚДИМОТИ

Кансай ўлкасида, Япониянинг кўна пойтахти — Нара шаҳрида жойлашган Ипак йўли музейида «Ўзбекистон маданияти ва саъвати форуми» жамғармаси тақдимоти — «Буюк Ипак йўли: узилмас ришта» мавзусидаги тўқимачилик саноати кўргазмаси йирик бадиий лойиҳасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.


Мазкур тадбир «Ўзбекистон маданияти ва саъвати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Миллий саънат маркази ҳамда Япония Ташқи ишлар вазирлигининг расмий кўмағида Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси, Япония Ташқи ишлар вазирлиги, Япония Иқтисодий, савдо ва саноат вазирлиги ҳамда Нара ва Осака шаҳарлари префектуралари мамурияти ҳамкорлигида ташкил қилинди.

ва НК телерадиокомпанияси амалга оширди. Кўргазманинг расмий очилиш маросимида Япониянинг танилиб давлат ва сибсат арбоблари, ишбилармон доира ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда меҳмонлар эътиборига Ўзбекистон тўқимачилик санъатининг қадимий ноёб экспонатлари, сўзанапар, Буюк Ипак йўлининг турли воҳаларига хос бўлган ипак, яримипак ва пахталик газлама-лар ҳавола этилди. Аънавий яримипакдан тайёрланган намойиш кийимлари — геометрик шакллар туширилган адрес, бекасмапар, ипак газлама — шойидан тикланган кийимлардан

намуналар ҳам намойиш этилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг барча вилоятлари беказ ва амалий саънатининг бир намунаси сифатида XIX-XX асрлар охирига хос аънавий кийим ва каштали матолар тақдим этилди. Кўргазма очилиши ва тақдимот доирасида Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиёва ва «Офарин» рақс дастаси ижросида концерт ташкил этилди. Тадбирнинг расмий очилиш маросимида Нара префектураси губернатори Сего Арай сўзга чиқиб, ўшбу лойиҳа тақдимоти келгусида Ўзбекистон ва Япония алоқаларини янада мустаҳкамлашга, хусусан, икки

(Давоми 2-бетда).



Аввал хабар қилганимиздек, пойтахтимизда жаҳон дизайн ва мода саноатининг энг сўнгги либослари намойиш ўтказилмоқда. Кеча Ёшлар ижод саройида «Style.Uz — 2008» деб номланган мазкур ҳафталик доирасида юртимиз ва хорижлик дизайнерларнинг ижодий кўргазмаси намойиш этилди.

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРИМИЗ ИЖОДИ

Замонавий услубда миллий матолардан тикланган либослар Мунира Алимухамедова, Умида Юсупова каби ёш модельерларимиз ижодига тааллуқлидир. Мутахассислар, айниқса, Ойгул Умурзагинанинг кузги либослар тўпламидаги ўзига хосликни алоҳида эътироф этмоқдалар.

Шунингдек, тадбир доирасида жаҳонга машҳур «Вулфорд» (Австрия) «Ревийон» ва «Гиларош» (Франция), «Дискайред» (Италия) мода уйларининг трикотаж маҳсулотлари намойиш этилди. Ҳиндистонлик дизайнер Сунит Варма

ижодига мансуб «Устки либослар учун аксессуарлар» коллекцияси саънат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди.

Пойтахти-миздаги Ёшлар ижод саройида «Янги авлод» Республика болалар ижодий фестивалининг Тошкент шаҳар саралаш босқучи бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва саъвати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳаракатида катта қизиқиш уйғотди.

«Янги авлод» болалар ижодий фестивали мамлакатимизда ёш авлод қамолтиришда амалга оширилаётган кенг камроли лойиҳалардан бири. Мазкур таълим иқтидорли ёшларни кашф этиш ва рағбатлантиришда беқийс аҳамият касб этаётди. Зеро, ўтган вақт мобайнида фестиваль голиблари нуфузли халқаро

Шу куни «Style.Uz — 2008» Дизайн ва мода ҳафталиги доирасида ёш расмоларнинг график ишланмалари ва фотосуратлар танлови ҳам ўтказилди. Унда иқтидорли ёшларимиздан Армен Авакян, Ринат Каримов, Алихон, Эрнест Куртвеленинг ижодидан зиёд эскиз ва фотосуратлари намойиш этилди.

Танловга қўйилган ижодий ишлар уч босқун асосида сараланган бўлиб, дастлаб Тошкент тўқимачилик ва ёнги саноат институти, Камолдин Беход номлидаги Миллий расмолмик ва дизайн институти талабалари

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕК ПАХТАСИГА ДУНЁ ХАРИДОР



Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва 14-15 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бунга яна бир бор исботлади. Ярмарка якуни бўйича 950 миңг тоннадан ортиқ пахта толасини сотиб олиш бўйича шартнома ва битимлар тузилди.

Буни ярмарканинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Э. Ганиев маълум қилди.

Ярмарка нўржасига етган бўлса-да, мазкур тадбир жараёнида бошланган шартномалар тузиш ишлари давом этаверди. Бунда ўшбу шартномаларнинг бир қисми келаси йил ҳосили ҳисобидан тузилаётгани ҳам эътиборга молик. Бу хорижлик истеъмолчиларнинг Ўзбекистон пахтали барқарор етказиб берувчи ва унинг юксак сифатини қафолатловчи шерик эканлигига ишонч ҳосил қилганидан далолат беради.

Бизнес оламида бундай баҳо энг юқори бўлиб, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодийнинг барча жабҳалари, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги ва пахтали қайта ишлаш саноатида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ёрқин натижасидир. Ярмаркада иштирок этган хорижий экспорт ва мутахассисларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда фермерликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратилган — микрокредитлаш, зарур техника ва материаллар билан имтиёзли таъминлаш йўлга қўйилган, етиштирилган ҳосилни ма-

ҳаллий ва хорижий истеъмолчиларга ишлаб чиқарувчилар учун фойда келтирадиган нархда сотишнинг халқаро талабларга жавоб берадиган меъёрий базаси шакллантирилган.

Ўзбек пахтасига халқаро бозорда талаб катта, негаки унинг кўрсаткичлари энг яхши жаҳон стандартларига мос келади. Масалан, жорий йилда пахтанинг энг истиқболли, эртапишар ва серхосил, толаси узун, тоза, ранги ёрқин, микрорейнери 3,5-4,9 гача бўлган 20 га яқин нави, бир сўз билан айтганда, турли мамлакатлар тўқимачилик саноатида харидоригар бўлган навлари сотувга қўйилди. Пахтанинг сермаҳсул ва харидоригар навларини яратиш билан шуғулланадиган селекционер ҳамда генетик олимлар жаҳон ҳўжалик муносабатларида пахта етиштириш ва экспорт қилиш соҳасида етакчи ўринни эгаллаб турган Ўзбекистоннинг нуфузини янада

(Давоми 2-бетда).

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 15 октябрь куни Ўзбекистон ва Австрия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бошланди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Узинфонвест» ахборот таъминоти ва хорижий сармояларга ёрдам кўрсатиш агентлиги ҳамда Австрия Федерал иқтисодий палатаси ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтиришга бағишланган ўшбу анжуманда мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқалар, сармоя, нефть-газ, энергетика, автомобилсозлик, авиасозлик, фан-таълим, тўқимачилик ва энгил

сафида эса «BSH International» (вентиляция ва ёнгиндан ҳимоя қилувчи технологиялар), «Emco Maier Gesellschaft» (металлни қайта ишлаш технологиялари), «Agrana Betelungs» (озик-овқат саноати), «Jet Alliance Holding» (консалтинг хизмати), «Tiroler Roehren-UND Metallwerke» (кувувлар ишлаб чиқариш), «SY-LAB Gerate» (пардоз-андоз ва фармацевтика маҳсулотлари) каби ўттизга

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

• Банк хўжалик субъектларини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашга қаратилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этмоқда. Бу эса, аввало, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадлари ошишида муҳим омил бўлаётди.

• Банк шу йилнинг 9 ойи давомида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий валютада — 170 млрд. сўм эквивален-тида, миллий валютада эса 96 млрд. сўмлик миқдорда маблаг ажратди.

• Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилган кредитлар ҳисобига қўшимча 4860 та янги иш ўрни яратилди.



O'ZSANOATQURILISHBANK

Йили Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури доирасида мамлакатимиз бўйича жами 300 дан зиёд йirik инвестиция лойиҳаси ниҳоясига етказилди. Уларни молиялаштириш мақсадида қарийб 2 триллион сўм сарфланди. Мамлакатимизда ана шундай кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш-

қўшимча иш ўринлари яратилади. Қолаверса, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини гоят зарур маҳсулот билан таъминлабгина қолмай, балки юртимизнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш имкони туғилади. Аслида, бу "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш борасида олиб бораётган

ташкilotлар билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришда етакчи банклардан бири ҳисобланади. 2007-2011 йилларда кимё, нефть ва газ саноатини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларига асосан, "Фарғонаазот" ОАЖда амиак ишлаб чиқариш қурилма-



«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ИНВЕСТИЦИОН МАРКАЗГА АЙЛАНМОҚДА

Тижорат банклари барқарор тараққиётни белгилловчи муҳим молиявий муассасалардан бири эканлигини бозор муносабатлари амалда исботлади. Мамлакатимиз молия бозорини катта даврга эга бўлган "Ўзсаноатқурилишбанк" эришган бугунги ютуқлар бунинг яққол тасдиғидир.

Мустақиллик йилларида катта таърибга эга бўлган ушбу банк юртимизнинг етакчи универсал молия муассасасига айланди. Хозирда "Ўзсаноатқурилишбанк" саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва таъминот корхоналари, қишлоқ хўжалиги соҳаларида фаолият юритувчи ташкilotларга комплекс равишда молия-кредит хизматларини кўрсатиб келмоқда. Банkning ана шу кенг қамровли фаолиятига яраша унинг ялли маблагини, ни-

зом жамғармаси ва турган гапки, миқозлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Бундан ташқари, "Ўзсаноатқурилишбанк" хўжалик субъектларини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашга қаратилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда ҳам иштирок этмоқда. Маълумотларга қараганда, ўтган

да, мавжуд технологияларни модернизациялаш, замонавий корхоналарни барпо этишда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Масалан, мазкур банк шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий валютада — 170 млрд. сўм эквивален-тида маблаг ажратди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробар кўп демакдир.



Молия муассасаларида

«Ўзсаноатқурилишбанк» Тикланиш ва тараққиёт фонди маблагларини қайта молиялаштириш бўйича йirik қатнашчи ҳисобланиб, ҳозирда фонднинг маблаглари ҳисобига 189 млн. АҚШ доллари миқдоридagi лойиҳалар молиялаштирилмоқда.

Инвестиция дастурини бажариш мақсадида жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида фонд маблаглари ҳисобидан 108,4 млн. АҚШ доллари миқдоридa молиялаштириш амалга оширилган. Жумладан, Помук ва Денгизкўл конларида сиқув компрессор станциялари ва Деҳқонобод қалий ўғитини ишлаб чиқариш заводи қурилиш учун, "Тошхазартрансхизмат" ассоциациясининг 200 донa "Мерседес-Бенц" автобусларини сотиб олиш ҳамда "Максам-Чирчиқ" ва "Фарғонаазот" ОАЖларнинг "AM-76" амиак агрегатини реконструкция қилиш ва модернизациялаш каби лойиҳаларни молиялаш учун керакли миқдордаги кредит маблагларини ажратди.

кенг қўламли фаолиятнинг бир қурилиши, холос.

Шунинг учун ҳам, "Ўзсаноатқурилишбанк" ёқилги-энергетика, машинасозлик, кимё саноати, шунингдек, қурилиш индустриясига тегишли лойиҳаларни амалга оширадиган

лиши, табиий. Эътибор беринг. Банkning ўз маблаг ҳисобидан миллий валютада "Фарғонаазот" ва "Максам-Чирчиқ" очик акциядорлик жамиятларини кредитлаш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми қарийб икки

баробар ошиб, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишга замин яратди.

Банkning Корея ривожланиш банки билан ҳамкорликда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясига қарашли "Денгизкўл" қонини ўзлаштиришга қаратилган инвестицион лойиҳаси хусусида ҳам шундай ижобий фикрни айттиш мумкин.


"Ўзсаноатқурилишбанк"нинг инвестицион лойиҳаларни миллий валютада молиялаштириш борасидаги фаолияти ҳам эътиборга сазовор. Чунки банк жорий йилнинг тўққиз ойи давомида ўз маблаглари ҳисобидан 96 млрд. сўмлик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга эришди. Масалан, банк Фарғона водийсини узлуксиз электр энергия билан таъминлаш мақсадида қурилатган улкан иншоотнинг инвестицион лойиҳасини молиялаштириш, мамлакатимиз энгил саноатидаги мавжуд корхоналарни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш ва қури-

лиш матеариаллари ишлаб чиқариш ҳамда коммуникация тармоғини ривожлантириш мақсадида керакли миқдордаги кредит маблагларини ажратди. Қўриниб турибдики, ўз миқозлари ва шериклари билан ўзаро манфаатдорлик асосидаги ҳамкорлик банкнинг молиявий салоҳиятини янада мустаҳкамлаб, барқарор ўсишини таъминлашга имкон бермоқда.

Зотан, "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолияти дунёга машҳур "Fitch Ratings" ва "Эксперт РА" каби халқаро рейтинг агентликлари томонидан молия бозорини етакчи даврга эга эканлиги, кредит салоҳиятини мустаҳкамлиги ва келажакда барқарорлигини таъминловчи энг юқори рейтингда баҳоланганлиги бўлса эмас. Халқаро миқёсда бундай эътирофга сазовор бўлиш банк фаолиятининг барқарор натижалари, даромад кўрсаткичлари собитлиги, миқозларнинг кўплиги, бой таърибга эгаллиги, шунингдек, нефть ва газ, энергетика, кимё саноатида фаолият юритувчи муассасаларга хизмат кўрсатишдаги муҳим ўрин тутишининг яна бир ёрқин далили, дейиш мумкин. Очиги, ҳозирда дунёнинг кўпгина мамлакатларида рўй бераётган молиявий инқироз аксарият мамлакатлар иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатаётган бир пайтда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг бундай эътироф этилиши диққатга сазовордир.

Бир сўз билан айтганда, "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолият қўлами тобора кенгайиб, иқтисодий салоҳияти мустаҳкамланиб бораётган молия муассасаларидан биридир. Мазкур банк жойларда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган корхоналарни барпо этиш, мавжудларни модернизациялаш, барча миқозларга — жисмоний шахслардан тортиб, то йirik компанияларгача ҳар доим биринчи даражали банк хизматини кўрсатиш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигининг мунтазам ошиб бориши йўлида самарали хизмат қилаверади.

Ф. САНАЕВ тайёрлади.



«ЕВРОМЕТАЛЛ-ОСИЁ» ҚҚ

ХАЛҚА, ОЛТИ ҚИРРАЛИ Г/К, Х/К ва рифелланган ТУНУКА

Д = 10-250 мм, ст.3, 65Г, 20-45, 20Х-45Х, 40ХФА, 45ХН2МФА, 30ХГСА ва бошқалар ст. 3сп5 2,5-3-4-5-6-8-10-12 мм, 4-рифл ст. 08КП 0,5-0,6 мм, ст.60С2 А 4-5 мм

ЗАНГЛАМАЙДИГАН РУЛОНЛИ ТАСМА

Кувурулар: 25х2,0, 57х3,0, ст. 12Х18Н10Т. Тунука: 1-1,5-2-3-4-5-6-8-10-12-16 мм ст. 12Х17, ст. 08Х18Н10, ст. 12Х18Н10Т ст. У8Г 0,9х0,326-Р

МЕТАЛЛ ПРОКАТИДАН МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» маҳсулоти

Тошкент шахридаги омборда Россия, Украина ва Қозоғистон металл маҳсулотларининг кенг ассортименти доим мавжуд

Тошкент ш., Бобур к., 87/1-«Б» уй. Тел./факс: (99871) 255-76-74, 254-94-95 (ф.). E-mail: vklim 70@mail.ru

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидa бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога такоран, арзонлаштирилган баҳода Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 15 июндаги 11-0706/3981-сонли қарори билан банкрот деб топилган ҳамда кредиторларнинг 2008 йил 9 октябрдаги йигилиши қарорига асосан, «КИБО» болалар пойабзали» ҚҚ ЛТД тугатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Обувшиқов кўчаси, 1-уйда жойлашган, «КИБО» болалар пойабзали» ҚҚ ЛТДнинг мол-мулклари мажмуаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 2 520 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 30 октябрь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мол-мулклар 30 октябрь кўни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 6 ва 13 ноябрь кўнлари соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талаборлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдога қатнашиш истағидаги талаборлар «Савдо ташкilotчиси» билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини «Савдо ташкilotчиси» РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С. Раҳимов филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850.

Лицензия: ДВ 001 №000004

Манзил: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ҳазратов кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ФУҚАРОЛАРНИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ БЮРОСИ

Россия Федерациясидa қонуний асосда меҳнат қилиш истағида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг амалдаги тартиб-қоидаларига мувофиқ, шартнома асосида қуйидаги мутахассисликлар бўйича ишга жойлаштиришга қўмақлашади:

- электр-пайвандчи;
- электр-механик;
- пайвандчи;
- бўёқчи;
- гишт терувчи;
- сувоқчи;
- кафель терувчи;
- плиткачи;
- тикувчи;
- оддий ишчи;
- юк ташувчи;
- экскаваторчи;
- бульдозерчи;
- ҳайдовчи;
- тоғ-қон ишчилари

ва бошқа барча мутахассисликлар.

Ойлик иш ҳақи — 650 000 сўмдан 1 100 000 сўмгача (12 000 — 20 000 рубль).

Ишчилар учун:

- ✓ 3 маҳал иссиқ овқат;
- ✓ бепул ётоқхона;
- ✓ ишлаш ҳуқуқини берувчи рухсатнома;
- ✓ тиббий сўғурта билан таъминланиш имкониятлари мавжуд.

Мутахассислар қуйидаги талаблар бўйича қабул қилинади:

- ёши — 20 дан 45 гача;
- мутахассислик бўйича иш малакасига эга бўлиши;
- рус тилини сўзлашув даражасида билиши керак.

Қуйидаги ҳужжатлар йиғма жилдда тақдим этилиши лозим:

- паспорт асли ва 5 та нусхаси;
- ҳарбий гувоҳнома асли ва 2 та нусхаси;
- мутахассислик ёки соҳа бўйича билимини тасдиқловчи сертификат (диплом) асли ва 2 та нусхаси;
- меҳнат дафтарчаси асли ва барча бетлардан 2 та нусхаси;
- 3х4 ҳажмдаги 6 та фотосурат (қонвертда);
- ОИТС (СПИД) марказидан маълумотнома;
- ота-онаси ёки умр йўлдошининг розилик хати;
- маҳалла қўмитасидан тавсиянома;
- маҳаллий ички ишлар идораларининг фуқарони республика ҳудудидан ташқарига чиқишига монелик (масалан, жиноий иш очилган ёки қидирув) ҳоллари йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

Маълумот учун телефонлар: (+99871) 150-21-55, 150-21-56, 150-21-57.

Ҳужжат ва аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратощ кўчаси, 44-уй. Мўлжал: «Хадра» майдони, «SAMSUNG» ёзуви, «БРАВО» мебеллар дўкони орқасида.

ООО «Росагропромснаб» предлагает:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА

ультразвуковые «Гобой-1»

Цена - от 1 300 000 сум.

Ду, мм	Типоразмер	Мин. расход, Qмин, м³/час	Максим. расход, Qмин, м³/час
25	G10	0,16	16(25)
40	G25	0,40	40(65)
65	G65	1,00	100(160)

На все устанавливаемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Т.ф.: 273-16-40, 276-91-87. Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, к-п Ц, д. 6

Товар сертифицирован (орр - перекресток «Шухрат»)

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

9.00 дан 18.00 гача

236-09-25

232-10-63

242-хона

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

«TOSOL-N» МЧЖ

ички ёНИШ ДВИГАТЕЛЛАРИ УЧУН

ОЖ русумли совитувчи суюқлик — антифриз ишлаб чиқаради «TOSOL- A30, A40, A65, TOSOL- AM концентрат»

Мазкур маҳсулот этиленгликоль асосида тайёрланади, шунингдек, ASTM 3306-79 (АҚШ) антифризига ўхшайди ва металлга камроқ заанглатувчи таъсир кўрсатиш хусусияти билан ажралиб туради. Маҳсулот миқозининг хошияна қараб 5 кг, 10 кглик идишлар ва 200 литрли бочкаларга кадоқланади

Тўлов усули — нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Исмоил ота кўчаси, 1-уй

Тел.: 300-64-14, 140-03-81, 268-14-26, 127-92-42

РАСМИЙ ЭКСПОРТЧИ ДИЛЕР — «GRAND MOTORS» МЧЖ

TOYOTA ва LEXUS

русумли автомобилларни сотади ҳамда сервис хизмати кўрсатади.

Кафолат:

- TOYOTA — 12 ой ёки йўл босиши 30 минг км.;
- LEXUS — 24 ой ёки йўл босиши 50 минг км.

Тўлов шакли — турлича. Лизинг.

Автосалон манзили: Тошкент ш., Беруний к., 2-уй. Тел./факс: 129-10-23 (24), моб. (+99897) 753-33-33. E-mail: grandmotorsuz@gmail.com

ЎЗР ФА академиги С. Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси директор маслаҳатчиси, академик С. И. Искандарова умр йўлдоши

Риҳсон ИСКАНДАРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси «Телевидение ва радиотрансляция архив фонди» мутахассиси

Аскар ХОЛИҚОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзгужисавдонинвест» уюшмаси жамоаси «Чирчиқ-гўштсувалло» очик акционерлик жамияти худудий улгуржи базасининг раҳбари Нурилла Қаримовга ўли

НИЗОМИДДИНнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

БАРКАМОЛ АВЛОД — ВАТАН БОЙЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Истиклол шарофати билан ёшларга илм чўққиларини эгаллашлари, уларнинг ақл-заковатлари, иходий имкониятлари ва куч-қувватларини намойиш этишлари ва ривожлантиришлари учун шароитларнинг янги уфқлари очилди. Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланаётган ўғил-қизларимизга бугун кўнглининг ҳаваси келади.

Президентимиз «Ёшлар йили» давлат дастурида ўз аксини топадиган мақсад ва вазифаларни муҳассам этадиган гоҳ ҳақида сўзлар эканлар, «Бу гоҳ — ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишини, бугунги ўта мураккаб ва таҳликали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай хатарларга, зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан оғоҳ, сезгир ва хушёр бўлиб яшашини ва жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашнинг таъминлашдан иборат», деб таъкидлаган эдилар.

Бинобарин, ёшлар учун яратилаётган шароитлар, иқтидорларини кўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар эртага давлатимиз байроғининг, миллиятимиз шону шавкатининг юксакларга кўтарилишига йўл очди.

Ёшлар орасидан етишиб чиқаётган олимпиада ва жаҳон чемпионолари ҳозирнинг ўзида мамлакатимиз довуғи ва шухратини дунё бўйлаб

кенг ёймоқдалар. Навқирон авлоднинг интеллектуал салоҳиятини намойиш этишда ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Турли фан соҳалари бўйича ўтказилаётган халқ-



қаро олимпиадаларда ҳам ўсирилди ва ёшлар муваффақиятларини кўлга киритяптилар. — Иқтидорли талабаларимиз Германия, Нидерландия каби давлатларнинг фермер хўжалиқларида ишлаб чиқариш амалиётларини ўрганишди, — дейди Андижон қишлоқ хўжалиқ институти халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Абдурауф Жаҳилов. — Собик талабаларимизнинг айримлари хорижий олий таълим муассасаларида магистратура бос-

қинда таҳсил оляптилар. Буларнинг бари истиклол шарофати билан ёшларга яратилган имкониятларда. Ёшларимиз ҳам буни яхши англайдилар. Бу йил институтимиз

ётган бу ўзгаришлар мустақил юрт ворисларининг эртанги кўнги ёрқин умид ва ишонч билан боқилишига асос бўлади. Шу билан бирга, ёшларимизда мустақил фикрлаш, мил-

лат ва умуминсоний қадриятлардан ўз ўрнида фойдалана олиш кўнглиларини тарбиялаш, уларнинг ҳеч қандай кам эмаслигини ва кам бўлмаслигини англаш, эртанги кўнги ва Ватаннинг буюк келажиги ишонч руҳини мустаҳкамлаш, ҳар хил номаъқул таъсирларга қарши собиб тура олиш, ҳар қандай шароитда мақбул ечимини ва тўри йўлни танлай олишига ўргатиш зарур.

Шунинг учун таълим-тарбия

қундузи бўлимини битирган 315 нафар талабанинг 40 нафари имтиёзли диплом соҳиб бўлиди. Истиклол йилларида амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида ёшлар оғида, дунёқарашда, уларнинг мамлакатимизда ва жаҳонда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларга муносибларидан туб ўзгаришлар юз берди. Уларнинг юриш-туриши ва маданиятида, интилувчанлиги ва фаоллигида ўз аксини топа-

жараёнидаги барча мақсад ва вазифалар ёшларнинг пухта билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган малакали мутахассис, юксак маънавиятли шахс сифатида камол топишига йўналтирилган. Чунки, маънавият инсонга, аввало, ўзлигини, ўзининг қадр-қимматини англашиши ўргатади. У инсоннинг кўнглини ҳам, йўлини ҳам ёритишга қодир. Инсон маънавияти ўзда куймайдиган, сувда оқмайдиган бебаҳо бойлиқдир. Ёшларимиз ана шу бебаҳо бойлик соҳиб бўлганларидagina қадамлари кутлуг ва ишончли бўлади.

Донишманддан сўраб-диҳар:

— Ақл устунми ёки пул? — Ақл устун, чунки пул билан ақлни топиб бўлмайди, ақл билан пулни топиш мумкин. Чиндан ҳам, маънавиятли инсон моддий бойлик яратиб йўлини топа олади, аммо моддий таъминланган маънавий қашшоқ кимсадан яхшилик кутиб бўлмайди.

Вазифамиз — ёшларга Юртобимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни тўғри англаш, уларнинг қалбига миллий гурур ва ифтихор туйғусини ривожлантириш, миллати ва халқи учун улкан бунёдкорлик ишларига сафарбарлигини ўй-ғота олиш. Ана шундангина улар овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида бирлашадилар. Ёшлар бирлашса, миллат бирлашади. Бирлик ва ҳамжўрлик эса давлатнинг, ҳеч қандам кам бўлмаган халқнинг эртанги кўни ва порлоқ келажиги қафалатидир.

Ҳабиб СИДДИК, Андижон қишлоқ хўжалиқ институти Маънавият тарбияот маркази раҳбари.

Анжуман

Урганч шаҳрида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ОИТС маркази, «Глобал фонд» ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамкорлигида «Соғлом турмуш тарзи» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Соғлом турмуш тарғиботи

Унда ОИТС маркази мутахассислари, таълим тизими вакиллари, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва тиббиёт ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда тиббиётнинг саломатликка, жамият тараққиётига салбий таъсири, барвақт никоҳнинг кўнглисиз оқибатлари, оилавий соғлом муҳитнинг тарбиясидаги ўрни хусусида сўз юритилди. Ҳар бир оилани соғлом турмуш тарзи қондаларига амал қилиши барқамол авлодни воғга етказишнинг муҳим омилли эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўғилдор РАҲИМОВА.

Таҳриба

Алихон Эшонхонов Бойвот қишлоқ хўжалиқ коллежида талабаларга физика фанидан сабоқ бериб келаяпти.

Ёш физиклар изланишда

У ташкил этган «Ёш физиклар» тўғрарганинг 15 нафар катнашчиси устозлари раҳбарлигида ёз буйи ўсиликларга магнит майдони қандай таъсир этиши синовдан ўтказишди. Бир неча фермерлар даққасида олиб борилган тажрибалар бодиринг, ошқовқ ҳамда гул қўчатлари магнит майдони таъсирида ўн-ўн беш кун олдин пилиб этилиши, ҳосилдорлик 20-25 фоизга пайоҳийини кўрсатди.

Уқунчилар 2009 йилда ўн хил экин турлида синов ўтказишни режалаштирмоқдалар. А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт

Боксчиларимизга омад кулиб боқди

Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида бокс бўйича ўтказилган халқаро мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди.

Унда Қозоғистон, Ўзбекистон, Озарбойжон, Қирғизистон, Россия ва Тожикистоннинг иқтидорли ёш «чарм кўлқоп» усталари медаллар у-ун кураш олиб бордилар.

Аҳамиятлиси, мусобақада олти нафар боксчимиз шохсунанинг юқори погонасидан ўрин олди. Жумладан, Паҳлавон Хожиев (46 кг.), Бобур Айтбоев (52 кг.), Бобуржон Бобожон (57 кг.), Аҳмад Мамажон (70 кг.), Сардор Бегалиев (80 кг.) ва Фарҳод Исломов (86 кг.) барча рақибларини енгиб, халқаро турнирнинг олтин медалларини кўлга киритдилар.

Чорак финал йўлланмаси

Республика Олимпия захиралари теннис мактабида эркаклар ўртасида «Тошкент Челленжер — 2008» халқаро турнири давом этмоқда.

Мукофот жамғармаси 125 миң АҚШ доллариға тенг бўлган мазкур мусобақанинг навбатдаги кўни ҳам муросасиз беллашувлар остида ўтди.

Кеча юртимиз шарафини ҳимоя қилган Денис Истомин германиялик Даниел Брандсга қарши қорға чикиб, 6/2, 7/6 (4) ҳисобида ғалаба қозонди ва чорак финалга йўл олди.

Шунингдек, Денис Гремелмайер, Михаэль Беррер (Германия) ва Павел Снобел (Чехия)лар ҳам учрашувларни ғалаба билан якунлаб, кейинги босқичда иштирок этадиган бўлишди.

Спорт

Чунжуда кураш олқишланди

Хабарингиз бор, бундан саккиз йил муқаддам Жанубий Кореянинг Чунжу шаҳрида Шарқ яққа курашлари фестивали ташкил этилган эди. Шундан буйён ўзбек спорти — кураш ушбу фестиваль дастуридан мустаҳкам ўрин эгаллаб келмоқда.

Кўни кеча Чунжу шаҳрининг марказий стадионида бўлиб ўтган навбатдаги аънавий фестивал дастуридан ҳам кураш жой олди. Минглаб Жанубий корейлик ишқибозлар ўзбек полвонлари — Искандар Хайдаров,

Тўрабой Ҳтаев ва Бекзод Тўрабоевлар томонидан намойиш этилган кураш усулларини микриққ томоша қилишди.

Фестиваль ташкилий қўмитаси раиси, Чунжу шаҳар мэри Хо Бок Ким курашнинг дунёдаги ривожига юксак баҳо бериб, ўзбекистонлик полвонларга махсус сertiфикатлар топширди.

Айни пайтда мамлакатимиз полвонлари жорий йилнинг 12-17 ноябрь кунлари Туркиянинг Истамбул шаҳрида кураш бўйича ёшлар ўртасида ўтказилаётган V жаҳон чемпионатиға тайёргарлик кўрмоқдалар.

Рақиблар кутмаган дуранг

Кеча футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионати ҳал қилувчи ўртинчи босқич учинчи тур саралаш учрашувлари доирасида сафарда Япония терма жамоасига қарши майдонга ташди.

Очили, шу кўни кўнжар юрт вакилларининг ғалабасини башорат қилаётганлар кўн эди. Лекин майдон текис, тўп думалоқ, деганларидек кеча миллий терма жамоамиз ёззолари йўлини анча ушқоққ билан бошлашди. Биринчи бўлим ўрталарида Элдор Мағдеев — Темур Қападзе — Максими Шачких комбинацияси гол билан кўнланди: 0:1 — Ўзбекистон олдинда. Аммо Япония футболчиларининг тежор ҳужуми натижасида биринчи бўлимнинг иккинчи ярмида ҳисоб тенглаштирилди: 1:1.

Беллашувининг қолган дақиқаларида ҳам иккала жамоада гол киритиш учун кўллаб имкониятлар пайдо бўлди. Лекин ҳисоб ўзгармади қолди. Айниқса, шу кўни дарвозабонимиз Игнатий Нестеров ишончли ўйин намойиш этди. Қисқача айтганда, терма жамоамиз илк бор Миржалоқ Қосимов бошчилигидаги расмий учрашувини муваффақиятли якунлади, дейиш мумкин.

Энди Ўзбекистон терма жамоаси ҳал қилувчи саралаш босқичининг ўртинчи тур учрашувини 2009 йил, 11 февраль кўни Баҳрайн футболчиларига қарши тенглаштирилди: 1:1.

Знэдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Болажонлар қувончи

Мамлакатимизда «Super Itax» фирмаси «EVO» савдо белгиси остида симсиз интернетга ула-нишни жорий эта бошлади.

Эзгулик Яқинда фирма Мирзо Улугбек туманидаги 332-болалар богчасига ҳомийлик ёрдами сифатида 2 млн. сўмлик ўйинчоқлар, ҳар хил китоблар ҳамда ўқув анжомларини совға қилди. Шунингдек, яна 1 млн. сўмликка яқин гул тубаклари, стол-стуллар ҳам богча ихтиёриға топширилди.

Абдунасир РУСТАМОВ.

МАДАНИЯТ хабарлари

Миллий матолар намойиши

Республика Амалий санъат музейида «Мовий осмондаги нақшлар» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Унда музейнинг шойи, ним шойи матолари, пахта ипларидан дастгоҳда ва қўлда тўқилган газламалар намойиш этилмоқда.

Кўргазмадан Марғилон, Қўқон, Самарқанд шаҳарлари, Уйчи, Косон, Шаҳрихон, Бойсун туманларида ишлаб чиқарилган атлас, бежасам матолари ўрин олган. Шунингдек, экспозицияда матолар билан бирга газламаларнинг график намуналари ҳам бор.

Миллий матоларимизнинг ҳар бир нақши ўзига хос маъноға эга эканлиги боис санъат даражасида қадрланади, — дейди дизайнер Виктор Вяткин. — Тасвирий санъатда газламалардан фойдаланиш услуби билан қизиққан ёшлар учун шу ернинг ўзида маҳорат сабоқларини ташкил этганмиз.

Мухтасар КАРИМОВА.

«Энг меҳрли кутубхоначи»

Самарқанд вилоятидаги кўзи оқизларга хизмат кўрсатувчи махсус кутубхоналар ходимлари ўртасида ана шундай номланган кўрик-танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда Ўзбекистон кўзи оқизлар жамияти марказий бошқаруви ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловда кутубхона ходимлари касб маҳоратлари, сиёсий ва ҳуқуқий билимлари, янги технологиялардан қай даражада

хабардорликларини намойиш этишди. Булғунгур тумани кутубхонаси ходими Мамура Маматова биринчи ўринға сазовор бўлиб, танловнинг республика босқичида катнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Абдурауф САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жажжи рессомлар танлови

Миср Араб Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги ёшларга маданий таълим бериш маркази ташаббуси билан ҳар йили ўтказилаётган «Миср — дунё болалари нигоҳида» танловининг Жижзах вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда 4-18 ёшли 160 нафарга яқин ҳаваскор қатнашди.

Ғолиблик вилоят тасвирий ва амалий санъат лицейи интернати ўқувчиси Бехзод Муртозаевға насиб этди. Энди у 2-3-ўринларини эгаллаган Баҳмал майиши хизмат коллежи ўқувчиси Фарух Сулаймонов ҳамда Ғаллаорол санъат мактаби ўқувчиси Одижда Отабоев билан бирга кўрик-танловнинг яқини босқичида қатнашди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТЎҚИМАЧИЛИК КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

«Ўзэкспомарказ»да 15 октябрь кўни «Текстиль ва Мода — Textile Expo Uzbekistan 2008» бешинчи Марказий Осиё халқаро кўргазмаси очилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзбекенилсановат» давлат акционерлик компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «ITE Uzbekistan», «I.T.E. Exhibitions & Conferences Ltd» халқаро кўргазма компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилди.

«Ўзбекенилсановат» давлат акционерлик компанияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари А. Қосимов Президент Ислам Каримов раҳнамолигида тўқимачилик саноатида кенг кўламли ва самарали ислохотлар амалға оширилатганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда замонавий технологиялар билан жиҳозланган тўқимачилик корхоналари йил сайин кўпаймоқда. Улар ишлаб чиқараётган махсулотларга нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб катта. Ўзбек миллий матоларидан тайёрланган махсулотлар юқори сифати, табиийлиги, кўлайлиги ва замон талабларига мослиги боис жуда харидордир.

Корхонамиз трикотаж махсулотлари ишлаб чиқаришға ихтисослашган, — дейди «Daeshin Megatek» корхонасининг (Ўзбекистон) савдо бўйича бошқарувчиси Зоҳид Наҳмиддинов. — Унда тайёр-

ланаётган кийимлар Россия, Германия, АҚШ, Нидерландия каби мамлакатларға экспорт қилинмоқда. Илғор технология усқуналар билан жиҳозланган корхона-мизда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар юқори сифати билан ажралиб туради.

Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур кўргазмада бу гал ҳам Россия, Германия, Италия, Япония, Бельгия, Польша ва Туркия каби қатор мамлакатлардан ўттиздан зиёда фирма ва компания ўз махсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. «Spentex Tashkent Toytera» (Ўзбекистон), «Janome», «Bernina» (Россия), «Dystar Textilfarben» (Германия), «Bellandi» (Италия), «Belarus» (Беларусь) сингари йирик компаниялар шулар жумласидандир.

Корхонамиз пальто ва кўртчалар учун жин матолар ишлаб чиқариш билан шуғулланиди, — дейди «Bellandi» комп-

анияси (Италия) савдо департаменти директори Теодор Крил. — Ушбу кўргазмада илк бор иштирок этилди. Юртин-мида хориқлик сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун кўлай шароит, имтиёз ва имкониятлар яратилганининг гувоҳи бўлиб, Ўзбекистонлик шерика-римиз билан ўзаро манфаатли ҳамкор-лик алоқалари ўрнатиш ва қатор шарт-номалар имзолаш ниятидамыз.

«Текстиль ва Мода — Textile Expo Uzbekistan 2008» кўргазмаси тўқимачи-лик саноатининг барча замонавий йўна-лишларини ўзида муҳассам этган. Унда ип-калава, турли хилдаги газламалар, мавсумбоп кийимлар, мўйна, чармдан тайёрланган махсулотлар, бош кийим-лар, фурунтура ва аксессуарлар ҳамда тўқимачилик-атторлик махсулотларига оид кўплаб бўлимлар ишлаб турибди.

Кўргазма мамлакатимиз ва хорижда-ги тўқимачилик корхоналаридан тайёр-ланаётган махсулотларни намойиш этиш, ўзаро таҳриба алмашиш, савдо шарт-номалари ва ҳамкорлик битимлари ту-зиш, кўп томонлама алоқаларни кенгай-тиришда муҳим аҳамиятга эга.

Мадина УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилги ташувчиларни) тақлиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собик «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юлгагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалиги (МТЗ трактори негизида) техникалари ва махсус техникаларни тақлиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришиңиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» кўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

«МАЗ» ВА «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КўРСАТИЛАДИ.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

«O'zbekiston Respublikasi Oliy xo'jalik sudi Axborotnomasi» — «Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан» журналига 2009 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Ахборотнома саҳифаларида:

- Ўзбекистон Республикаси қонуналари;
- Олий хўжалиқ суди Пленуми ва Раёсати қарорлари;
- хўжалиқ ишлари бўйича суд амалиёти тафсилотлари;
- чет эл арбитраж ва хўжалиқ суллари тажрибаси;
- қонунчиликни амалиётда қўллашға оид етук ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари ёритиб борилади.

Обуна «Матбуот тарқатуви» АҚнинг барча бўлимларида 908 ва 909 индекслари орқали амалға оширилади. Шунингдек, таҳририят орқали аранолаштирилган нархда тўғридан-тўғри обуна бўлишиңиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 277-96-60, 277-91-66.

Бойқўнғир кубоги чуствликларда

Қозоғистонда ракетамодель спорти бўйича V Бойқўнғир кубоги халқаро мусобақалари бўлиб ўтди.

МДХнинг қатор давлатлари вакиллари иштирок этган ушбу нуфузли беллашувада мамлакатимиз шарафини Чуст шаҳридаги «Еш техниклар» марказининг моҳир ракетамоделичлари ҳимоя қилишди.

Омад марказ раҳбари Наҳмиддин Зайниддиновға кулиб боқди. У «С-7» класс бўйича космик моделлаштириш йўналишиға тавсия этган фазовий кеманинг кичик нусхаси парвоз дастурини тўла бажариб, биринчи ўринни эгаллади. Тумандаги 3-умумтаълим мактаби ўқувчиси, ота издан бораётган Лайло Зайниддинова эса ўзи ясаган модель билан баҳсға тушиб, тенгқўрлари орасида иккинчи ўрин соҳибаси бўлди.

Қудратилла НАҲМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РАТБ «Ғаллабанк»

томонидан 2 йиллик муддати билан «Адолат» номли омонат туриға маблағлар қабул қилинмоқда.

Омонатта маблағлар 2009 йил 1 январьға қабул қилиниб, уларға йиллик 18 фоз миқдорда устама ҳисобланади ва ҳар икки ойда тўлаб берилди.

«Ғаллабанк» — хонадонингизға барака келтирсин!

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (+99871) 233-71-72, 236-74-30, 232-15-89. www.gallabank.com

Омонатлар «Фудароларнинг банкларидаги омонатларнинг қафолатлаш жамғармаси» томонидан қафолатланади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 956. 25961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терлид ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оршов. Навбатчи муҳаррир — А. Кутбайдинов. Навбатчи — М. Охунова. Мусахҳиҳ — Ҳ. Топхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00. Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5 6 7